
Маҳаллий ҳокимликларнинг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?

Барчамизга маълум Ўзбекистон Республикасида 2023-уилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш мақсадида мамлакатимизнинг барча рудудларида тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 16-мартдаги ЎРҚ-611-сонли қонунининг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришда шаҳар ва туман ҳокимликларнинг ўрни каттадир.

Шаҳар ва туман ҳокимликларнинг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат? Мазкур қонуннинг 16-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича худудий комиссияларни тузади, маъмурий-худудий бирликлар чегараларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларида доимий яшовчи аҳоли сонини кўрсатган ҳолда ушбу пунктларнинг тўлиқ рўйхати тузилишини, маъмурий-худудий бирликларда кўчаларнинг номлари, уйлар ва хонадонларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлаши, жалб этилган рўйхатга оловчи ходимлар таркибини тасдиқлаши, рўйхатга оловчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишини ташкил этиши, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш доирасидаги ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун яроқли мебел ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтингачалик хоналар, шунингдек зарур транспорт воситалари берилишини таъминлаш, рўйхатга олиш варақларини ва бошқа рўйхатга олиш хужжатларини вақтингча сақлаш учун қўриқланадиган хоналар ажратиш юзасидан чоралар кўриш, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этиши каби ваколатларига эгадир.

Фурқат тумани статистика бўлими

2022-04-15 13:55:48